



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz



@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

“27 ИЮНЬ”

– МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ”



Ушбу сонда:

“Камол эт
касбким
олам уйидин...”

Гўзалликка
чулғанган
маскан



Миллийликка
тахдид — миллатга
тахдид

Президент Мурожаатномалари:

юксалаётган Ўзбекистон лидери таълимотининг куч-қудрат манбаи

2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга биринчи Мурожаатномаси тақдим этилди. Айтиш мумкинки, мазкур тарихий ҳужжат мамлакатимизни янада тараққий эттириш, парламент фаолиятини янги bosқичга кўтариш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур тарихий ҳужжат халқимизнинг ҳаётий эҳтиёж манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини келгуси йилда янада оширишга туртки берди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнғил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир.

Таъкидлаш жоизки, Мурожаатномада кўпгина соҳаларда ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги ва тўлиқ ишга солинмаган салоҳият ҳақида алоҳида айтиб ўтилди. Айниқса, вакиллик органлари фаолиятига ҳолисона баҳо берар экан, ислохотлар самарасини юксалтиришда депутатлар ҳамда сенаторларнинг ўрни сезиларли даражада ошишига эътибор қаратди. Хусусан, депутатларнинг нафақат назорат-таҳлил, балки қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам жойлардаги муаммоларни бартараф қилишга йўналтирилиши лозим. Шу мақсадда ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва ташкилларнинг куйидан — фуқаролардан олишимиз мақсадга мувофиқ.

Албатта, бу борада халқ мурожаати билан ишлашнинг Президентимиз таклиф этган янги тизими, яъни жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибининг жорий қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бунда бир

гуруҳ фуқаролар муайян масала бўйича ўз ташаббусларини илгари суриб, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари Кенгашларига жамоавий тартибда электрон мурожаат йўлайдилар. Бундай ташаббусларнинг вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилиши мажбурий эканлиги ўрнатилди. Бундай тартиб халқнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиради ҳамда қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлишини амалда таъминлайди.

Президентнинг Олий Мажлисга 2020 йил 24 январь ва 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномаларида олдинги йиллардаги каби ташқи сиёсат масалаларига кенг тўхталиб ўтилди. Ўзбекистонда олиб борилаётган очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни эътироф этмаслик мумкин эмас. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик, стратегик шериклик ҳамда

ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларда Ўзбекистон раҳбарининг ёндашуви катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ҳокимиятга келгач, амалга оширилган бу йўналишдаги туб ўзгаришлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Евроосиёда муҳим мамлакат сифатида қад ростламоқда, десак, муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаган мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш, хусусан, Қуроли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиявий ишларини давом эттириш йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижрога қаратилиб, бу борада барча қўшинлар кўмондонликлари, ҳарбий округлар, ҳарбий кўшилма ва тузилмалар, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорликда амалий тадбирлар изчил олиб борилмоқда.

Халқаро ҳамжамият давлатимиз раҳбарини ўзининг ички ва ташқи сиёсати билан бор-йўғи беш йилда дунёни тан олдириди, деб эътироф этмоқда. Эндилликда аксарият халқаро экспертлар ҳамда хорижий сиёсат-

чилар фикрича, бугун Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очиглиги ва жадаллиги билан ажралиб турган изчил, аниқ ҳамда конструктив сиёсат юритмоқда. 2020 йил 31 август кунин Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида: “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “янги Ўзбекистон” деган ибора тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги bosқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечааги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам, кечааги халқ эмас”, деб таъкидлади. Би-Би-Си ўзбек хизматининг ўша кунгиде берган изоҳида Юртбошимизнинг “Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Ренессанс даврига пойдевор яратилгани” ҳақидаги сўзлари диққат-эътибор тортгани, аини пайтда ажратилган соатларнинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларда энг кўп ўқилган, маъқул бўлган ва шарҳланганларидан бирига айланган.

ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢГ!

“Ипак йўли дурдонаси” XIII Тошкент халқаро кинофестивали ўтказилади.



Президент Мурожаатномалари:

юксалаётган Ўзбекистон лидери таълимнинг куч-қудрат манбаи

Давоми. Бошланиши
1-бетда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз таълимотига кўра, миллий иқтисодиётни тикламоқда, мамлакатнинг халқаро майдондаги ролини оширишга муваффақ бўляпти. Президент раҳбарлигида инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар халқаро шериклик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан ижобий қабул қилинди. Ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон биринчи марта ушбу нуфузли халқаро тузилманинг аъзоси этиб сайланди.

Шавкат Мирзиёевнинг таълимоти асосида амалиётга кластер тизими жорий қилиниб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг “занжирли усули” яратилди. Хўш, бу қандай самара берапти? Ўқувчилар китобда ушбу саволга батафсил жавоб олиши мумкин. Зеро, олимларимиз давлат раҳбари томонидан илгари сурилган “Буюк келажагимиз бугундан бошланади”, “Ўзбекистон халқи эртага эмас, бугун яхши яшаши керак” тамойилларининг мазмун-моҳиятини айнан, кластерлар асосида чуқур таҳлил қилиб беришган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, кластер ва манфаатдорлик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг келажагидир. Шу боис сўнгги йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш борасида самарали механизм яратилди. Натижада аграр соҳада мулкни бошқариш ва маҳсулот етиштиришнинг кластер усулида бой тажриба тўпланиди, эндиликда бу борада хорижий давлатлар билан бемалол рақобатлашиш мумкин.

— Давлатимиз раҳбари ташаббусига асосланган таълимнинг кўра иш юриштиришнинг кластер тизимига ўтилишидан кўзланган мақсад ердан самарали фойдаланиш, — дейди профессор Муртазо Раҳматов. — Қолаверса, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, четга хом ашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар сотиш, даромадни ошириш орқали дала меҳнаткашларининг ҳаёт даражасини кўтаришдир. Оддий мисол, фермерлар толаннинг бир килосини 1,5 долларга сотса, кластерлар пахта хом ашёсини бундай арзон баҳога сотмайди. Уларда 1,5 долларлик хом ашёни 25 доллар қийматга айлантириш имконияти бор. Мана, кластернинг асосий устунлиги қаерда?! Кластернинг яна бир афзаллиги аҳоли бандлигини таъминлашда кўзга ташланмоқда. Чунки ҳар 100 гектарда 15 – 25 нафар киши доимий иш билан таъминланиши, уларга меҳнат дафтарчаси очилиб, ойлик маош берилиши керак. Афсуски, фермер хўжаликларида бунинг уддасидан амалга чиқолмагани оқибатида чекка ҳудудларда ишсизлик масаласи энг оғриқли муаммага айланди. Кластер усулига ўтилгач, одамлар йил – ўн икки ой иш билан таъминланди, меҳнатига яраша ҳақ берилаётди. Бугун улар қишлоқ хўжалигидаги кластер ислоҳоти самараларини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга



йўллаган Мурожаатномасида нафақат 2020 йил, балки ундан кейинги йиллар учун мўлжалланган долзарб масалалар, хусусан, ҳар бир инсонни бахтли қилишга қаратилган вазифалар қамраб олинган бўлиб, у юртдошларимиз томонидан ўзига хос маёқ сифатида баҳоланмоқда. Буни парламент ва жамоатчилик вакиллари сўзлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мурожаатномада (2020 йил 24 январь) соҳанинг келажақдаги илғор ва инновацион қиёфасини яратиш учун аниқ “Йил харитаси” ишлаб чиқилди. Буни йилнинг номи ҳам англатиб турибди: “2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”. Шунда уйғун равишда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тўлиқ рақамлаштириш, ихтисослаштирилган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш зурурлиги таъкидланди. Раҳбардан тортиб, ҳар бир ходимгача ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши, ўқиши, узлуксиз замонавий амалиёт ҳамда назарияларни ўзлаштириб бориши зарур. Ва ўзидаги бор илм ҳамда тажрибани талабларга сингдира олиши шарт.бунда нафақат замонавий техника ва технологиялар, балки китобдек қудратли куч имкониятларидан ҳам фойдаланиши керак. Зеро, австриялик таниқли шифокор, жамоат арбоби, қатор асарлар муаллифи Гуго Глязер “Тиббиёт илм-фан ва санъатни ўзида уйғунлаштирган китоб бўлса, қахрамонлик унинг мўъжизакор муқовасидир”, деган эди. Юртимизда соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор, билдирилаётган катта ишонч эса ана шу сўзларнинг ҳаётда тўлиқ ўз инъикосини топишига хизмат қилади.

Жаҳоншумул воқеага айланган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги Шавкат Мирзиёев нутқи борасида Олий Мажлис Сенати аъзоси, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов ўз дил сўзларини “Ривожланган давлатлар ҳам Президентимиз ғояларини эътироф этяпти” деган мақоласида ифода қилди:

“Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқини бутун вужудим билан тингладим. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бу нуфузли минбардан туриб, 2017 йилдагидек жасорат билан сўзлашига ишонардим. Очиғи, воқеа, жараён

Мамлакатимиз раҳбарининг ана шундай мулоқот шакли давлат ва жамият биричилигини мустақамловчи муҳим омил бўлиб, ҳар биримизда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳамда, ислоҳотлар натижаси учун масъулият ҳиссини кучайтиради.



мен кутганимдан ҳам зиёда бўлди. Нутқни эшитиб бўлгач, юрагим тўлқинланиб кетди, ўз-ўзидан нидо берди.

Она тилимизда юксак минбарда салоҳият билан гапирган Юртбошимиз билан гурурандим. Дунё аҳлига сабоқ бўлган мазкур нутққа жаҳон ҳамжамияти томонидан қаратилган юксак эътибордан янада фахландим. Зеро, билишимча, дунёдаги санокли давлатлар раҳбарларигина БМТ Бош Ассамблеяси минбарига бу қадар кенг қамровли ва ҳаётий ғояларга йўғрилган нутқ сўзлаган, холос.

Айтинг-чи, қачон бизда бундай кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилган ёки шунга ҳаракат қилинган? Кейинги уч йил ичида бирорта ой ёки ҳафта бормикин, унда ишбилармонлар манфаати йўлида қонун, Фармон ёки қарор чиқмаган бўлса?

Қани айтинг, бир-икки йилда болалар боғчасига қатнайидиган кичкинтойлар салмоғини 19 фоиздан 50 фоизга олиб чиқиш осон ишми? Яқин-яқингача мактаб битирувчиларининг бор-йўғи 9 фоизи олий ўқув юртларига кирарди. Ахир бу кўрсаткич 25 фоизга етди.

Айтинг, бундай ютуқлар билан гуруранмай бўладими?

Давлатимиз раҳбари бизни янги Ўзбекистонни барпо этишга ишонтирди. Ўзини аямапти, ҳаммага ибрат кўрсатяпти. Ҳар бир соҳа, ҳар бир одам эътиборда. Мен янги Ўзбекистон қурилишида иштирок этаётганим, салоҳиятли карвонни учинчи Ренессанс сари дадил бошлаётган инсонга сафдош эканимдан фахландим. Бир мен эмас, бутун дунё, “манаман” деган давлатлар ҳам Ўзбекистон Президенти нутқидаги ғояларни эътироф этиб, юртимиз дунёга янгича қиёфа тақдим қилаётганини тан оляпти.

Ким нима деса, деяверсин, ҳар ким гапириш ҳуқуқига эга, аммо менинг қалбим нидоси шу!

Оғзига кучи етмаганлар атрофга бир қараб, сўнг фикр қилсин. Кеча қандай аҳволда эдик-у, бугун қандаймиз? “Демократия йўқ”, деб дод солаётганлар, аввало айтсин-чи, сиёсатни танқид қилган киши илгари Жаслик турмасига қамалмасми? Бугун бу қамоқхона тағ-томири билан тугатилди. Уларга ҳозир кўнглидаги гапини айтишга шу давлат ҳуқуқ бермадими?

Бугун давлатимиз раҳбари дунё ҳамжамиятини ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорляпти. Шундай экан, биз бир-

дамликда барчага ибрат бўлишимиз мақсадга мувофиқ. Президентимиз атрофида бирлашиб ишлайлик, Ватанни севишни ва ардоқлашни ўрганайлик! Ушанда биз янада кучли, янада салоҳиятли ва янада қудратли миллатга айланамиз.

Бунга асло шубҳа йўқ.

Миллий тараққиёт кенг қамровли тушунча бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда, бир сўз билан айтганда, Президент Мурожаатномаси каби миллатнинг, халқнинг ривожланганлик даражасини ифода этади. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди: иқтисодий фаровонликсиз сиёсий соҳада ўзгаришни ясаш, ўз навбатида, сиёсий жабҳада белгиланган вазифаларни иқтисодиётда юзага келадиган инқирозлар ёки муаммолар шароитида тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Чунки уларнинг барчаси инсон омили, унинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, интилиши, жамиятда кечадиган жараёнларга муносабати, мамлакат ва миллат тараққиёти йўналишидаги фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Умуман, Президентнинг парламентга Мурожаатномалари — том маънода тарихий ҳужжат бўлиб, такрор ва такрор ўқишни, ўрганишни талаб қилади. Унда илгари сурилган ҳар бир ғоя янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги алоҳида қадамдир. Бу қадамлар амалий ишларимизда намён бўлади, узоқ муддатга мўлжалланган натижаларни таъминлаб, халқимиз ҳаётда ижобий ўзгаришлар ясайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ана шундай мулоқот шакли давлат ва жамият биричилигини мустақамловчи муҳим омил бўлиб, ҳар биримизда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳамда, ислоҳотлар натижаси учун масъулият ҳиссини кучайтиради.

Кейинги тўрт йил давомида биз бунга амин бўлдик. 2017 йилдан бошлаб анъанага айланган Мурожаатномалари (2017 йил 22 декабрь, 2018 йил 28 декабрь, 2020 йил 24 январь ва 2020 йил 29 декабрь) стратегик аҳамиятга эга янги Ўзбекистон тараққиётида бурилиш босқичларини бошлаб берди. Бу эса айни пайтда Президент таълимоти асоси демакдир. Шу боис у турли касб эгалари, ёшу кексалар томонидан меҳнат жамоаларида, маҳалларда фаол ўрганилмоқда.

Халқаро ҳамжамият ҳам давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаларига Ўзбекистоннинг нафақат келгусидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, балки унинг жаҳон саҳнасидаги ролини белгилаб берувчи ўзига хос “Йўл харитаси” — таълимот сифатида катта эътибор қаратмоқда.”

Янги Ўзбекистон аҳли ўз олдига улкан мақсад ва вазифа ҳамда буюк марраларни эгаллашда миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари ривожланиш босқичларини амалга оширишда Президент таълимоти асоси Мурожаатномалар мақбул бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Карим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси профессори,
тарих фанлари доктори

Оилага

ПУТУР ЕТСА...

Оила деганда кўз олдимишга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Халқимиз оилага муқаддас даргоҳ сифатида қараб, уни ватанга қиёслайди.

Конституция мизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилганининг ўзи жамият, давлат ва оила ўртасида узвий боғланиш мавжудлигини англатади.

Юртимизда оила институти ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилапти. Бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Бироқ оила деган муқаддас даргоҳнинг қадрини англаб етмаслик оқибатида пароканда бўлаётган оилалар, бунинг ортидан содир этилаётган жиноятлар ҳамон учраб турибди.

Бекободлик Ҳамида Дадабоева (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) содир қилган жиний қилмиш ҳам оилавий зиддиятлар, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг йўқлиги оқибати дейиш мумкин.

Ўн тўққиз йил оз муддат эмас. Мана шунча йил бир оила бўлиб яшаб келган, уч нафар фарзандни дунёга келтирган эр ва хотин арзимас сабаблар билан ажрашиб йўлини танлашган. Дарз кета бошлаган оилани сақлаб қолиш ҳақидаги расмий ва норасмий маслаҳатлар, таъсир чоралари кор қилмайдиган даражага бориб етган. Ўртада пайдо бўлган адоват кундан-кунга ортиб бораверган. Мулк — уй-жой масаласи кўтарилганида зиддият янада кескин тус олган. Шундан кейин томонлар масалани қонуний йўл билан, яъни суд орқали ҳал қилмоқчи бўлишади. Бироқ...

2020 йилнинг 15 декабри. Суд бошқа кунга қолдирилгани сабабли томонлар даҳанаки айтишувлар билан чекланиб, тарқалиб кетишади. Лекин Ҳамида Дадабоева бу билан чекланишни истамайди. У қариндошлари билан бирга эри, катта қизи ва қайнота-қайнонаси кетаётган автомобилни қувиб етиб, жанжал бошлайди.

У бундан атиги бир ҳафта олдин қайнопасини дўппослаб, енгил тан жароҳат етказгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани учун жаримага тортилган. Жазодан тегишли хулоса қилмаган Ҳамида бу сафар, аввал қайнонаси, сўнг қайнонаси ташланади. Андиша, ор-номусни четга суриб қўйган “келин” ўзининг вояга етмаган фарзандининг кўз ўнгида ёши бир жойга бориб қайнота-қайнонасини уриб-тепиб, уларга турли даражада тан жароҳати етказди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг очиқ суд мажлисида Ҳамида Дадабоеванинг жиний қилмиши кўриб чиқилди. Суд давлат айбловчисининг хулосаси, адвокатнинг фикри, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи Ҳ.Дадабоевани Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбдор деб топди. Суд ҳукми билан “зўравон келин” тегишли жазога тортилди.


Вақти келиб жароҳатлар биттар, жазо муддати ҳам якунига етар. Лекин норасида фарзандлар қалбига етган жароҳатлар битмаслигини Ҳамида Дадабоева кабилар англаб етармикан?

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бекобод шаҳар суди раиси

ЭЪЛО

Яккасарой касб-хунар коллежи томонидан 2003 йилда Курбанова Дилдора Махаммаджановна номига берилган К № 045996 (рўйхат рақами 11) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Икромжон АСЛИЙ



Ўйлаб қарасам, табаррук ва қадимий Шаҳрихонда азалдан яхши инсонлар яшаб келади. Самимият ва яратувчанлик уларнинг ҳар бирига: етти ёшдан етмиш ёшигача хос ва мос экан. Ёшлигимдан ажойиб маърифатпарвар Ҳайбатullo Фахриддиновнинг дилкаш суҳбатларидан, меҳрга омухта дуоларидан баҳраманд бўлганман. Абдумухтор Гуломов менинг том маънода устозим эди — университетда домланинг жонли дарсларини тинглаганман. Катта-кичик давралар, Андижон шаҳридаги собиқ Шевченко кўчасидаги уйда гурунлар тузганман. Бугун элу улуснинг дуогўйига айланган Абдулаҳад қори домла, Иззатулло Турғунов каби уламолар, Камолитдин Гофуровдек илму фан заргарлари, Комилжон Отахонов, Одина Отахоновадек тадбиркорлару фермерлар — буларни санаб, санабига етиш мумкин эмас.

Эзгуликнинг
исми барқарор

Ихтиёржон, Абборбек, Латифжон, Илёмбек каби ука-хонларим билан гурунларим доимо самимий бўлган. Ҳозир ҳам туманлар ичида энг кўп борадиганим бу — Шаҳрихон экан. Андижондан бораётиб ҳам, Бўстондан келаётиб ҳам, албатта, кимнидир кўргим келади, кимгадир сим қоқсам, истиқболимга чиқади.

Яна баъзи бир гулкўнгилли қизлар ҳам борки, муайян сабабларга кўра, уларнинг исмини қалб туморимда қолдирдим, “Ён дафтар”имдан кўчирмадим.

Мана шундай нафосат, санъат, илму фан, дину ҳилму маънавият аҳли ичида ажойиб инсон, бугун кутлуғ 81 ёши арафаси ёд этаётганимиз, руҳини шод этаётганимиз — шоир, адиб ва журналист Йўлдош Султонов ҳам бор. Уруш йиллари болалари каби, Йўлдош аканинг ҳам болалиги силлиқ-сипо кечмагани тайин. Албатта, у тақдирнинг кўплаб инжиқ синовларида тобланиб улғайган. Бироқ Ўзи юктирган истеъдод уни пана-пастқамларда пинҳон қолмай, юзага чиқишига замин яратди. Дастлаб шеърлар ёзган Йўлдош Султон бора-бора қаламини турли жанрларда муваффақиятли синаб кўрди. Шаҳрихон туман газетаси таҳририятидаги узоқ йиллик самарали фаолияти сабаб, у янада қалбларга чуқур кириб борди. Шунингдек, у Ўзбекистон халқ шоири марҳум Тўра Сулаймондек ҳассос қаламкашлар назарига тушди, улар билан ошно тунди. Йўлдош Султон шахсий архивидаги сувратлар, хатлар, ёзишмалар унинг қалбларга чуқур кириб борганини амалда тасдиқлайди. Андижон адабий гурунги раҳбари, яна бир шаҳрихон-

лик шоир Ҳабибулло Исомиддинов (У кишини Аллоҳ раҳмат қилсин, 1938 — 2020, изоҳ бизники — муаллиф) дўсти ҳақида кўп нарсалар, яхши хотираларни айтиб бергани кечагидек қулоғимда. Ўз навбатида, Ҳабибулло аканинг ижоди ҳақида Йўлдош ака билдирган фикрлар шоир китобларига илова қилинган. Бу — дўстликнинг умри барқарор, дегани.

Ҳа, Йўлдош Султонов қаерга борса, биттадан дўст орттирмай, бировга бир оғиз ширин сўз айтмай қайтмасди. Йўқса, уни билган ким билан суҳбатлашманг, соғинч хотири билан ёд этармиди? Узоққа боришнинг кераги йўқ, “Олтинқўл” таҳририяти собиқ муҳбири Аҳмадали Кўзиев Йўлдош акани доимо ҳурмат билан тилга олади. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шифокор ижодкор Олимжон ҳожи Ўринов у кишининг қадрдонлари эдилар.

“Шаҳрихон”, “Муштум” каби ўнлаб туман ва вилоят, республика нашрлари саҳифаларида Йўлдош Султоннинг ижод намуналари мужассам. 2000 йилда Андижонда нашр этилган вилоят шоир ва ёзувчилари жамоа тўпламида ҳам унинг асарлари берилган. Яқин-яқинларгаша камина “Муштум” саҳифаларида Йўлдош Султон қаламига мансуб асарларни ўқиб келганман. У киши менинг машқларимни ҳам туман газетасида чоп эттирганини самимият ҳисси билан ёд этаман. Бу, каттаю кичикка баробарликдир ва бу, ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган фазилатдир.

У Шаҳрихон тарихини қаламга олган муаррих, моҳир таржимон ҳам эди. “Тош ёриб ўсган илдиз” романида эса, бутун бир давр воқеаларини

қамраб олган. Ушбу асарлар бугун шоирнинг шахсий архивида кўплаб бошқа асарлари қатори, ўз ўқувчисини кутиб ётибди. Улар, албатта, бир кунни ёруғликка чиқади, ўз ўқувчисига етади, деб ишонманам.

— Баҳор чечак тақаверади, Оққан дарё оқаверади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири, устоз Маҳмуд Тоир. Дарҳақиқат, шундай. Бугун шоир хонадонидан камол топган набираси Аббосбекнинг қўлида қалам. У бобоси меҳнат қилган таҳририятда ишлаш билан бирга, Йўлдош Султон чироғини ёқиб ўтирибди. Аббоснинг кескир сўзлари, шоирона ўйчан нигоҳлари, бийрон шеърлари, туриш-турмуши унинг ёрқин истеъдод ва истиқболдан шаҳодат бериб тургандек. У ҳам худди бобосидек истеъдодли одамларни, ёшларни қадрлайди, уларнинг йўли очилишини истади, зўрма-зўраки, сохта кимсаларни, иқтидоридан даввоси катта носамимий шахсларни ёқтирмайди. Айнан Аббос сабаб, шоир бобоси чироғи ёниқ, биз ва бошқаларнинг қадамлари табаррук Шаҳрихон тупроғига тегиб турибди.

Бу — саодатдир.

Бу — Йўлдош Султон экан ниҳоллар барқурғанидир. Бу — эзгуликдир, эзгуликнинг исми эса барқарордир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Икром Отамурод айтганларидек, туфроқнинг гарди, сўзнинг руҳи, кангунинг меҳри бардавом бўлаверсин, устоз адиб ва шоир Йўлдош Султоновнинг руҳи поки шод бўлсин. Авлодлари, биз каби Уни билганлар, қадрлаганлар бор экан, қалбларда, тилларда боқийдир!

Икромжон АСЛИЙ

ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!

Ёшлар ва хотин-қизларга 33 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади.



Пенсия ва нафақалардаги ўзгаришлар

Мамлакатимиздаги бугунги ўзгаришлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар авж олиб кетди. Фармонга мувофиқ пенсия ва нафақаларни тайинлашда аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Бекобод туман бўлими бошлиғи Саиджон Холбеков мазкур ўзгаришлар хусусида сўз юритди:

— Мамлакатимизда Президентимиз белгилаб берган бешта устувор йўналиш доирасида, айниқса, ижтимоий соҳага, аҳолига пенсия ва нафақалар тўлиниши янада яхшилашга катта эътибор берилган. Буларнинг барчаси инсон манфаатларига, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

Эндиликда, аниқроғи, 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсия тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг

меҳнат дафтarchасига мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмадан ҳисобланади.

Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилди;

Пенсия ва нафақалар фуқароларнинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий

яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти

ойда пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади. Бундан ташқари пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўлиниши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 феврал ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқариладиган бўлди.

Умуман олганда мазкур фармоннинг қабул қилиниши аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, халқимизнинг фаровонлигини оширишга, уларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Одамларни эндиликда ортиқча оворагарчиликлардан, қайта-қайта ҳужжат йиғишдан халос этилади. Энг муҳими, маълумотларнинг деярли барчаси электрон шаклда қабул қилинади. Бундан 15 йил аввалги йиллар учун меҳнат стажи учун ҳужжатлар талаб этилмаслиги ҳам аини муддаодир. Яна бир қулай томони пенсия ва нафақаларнинг фуқаролар хоҳишига кўра доимий яша ёки вақтинча турган жойида тайинланиши ва тўлинишидир. Бу ҳам бўлса кўпчилик фуқароларнинг хоҳиш ва истагига мос келади.

Биз имкон қадар туманимиз аҳолисига пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга фармонда белгилаб берилган ўзгаришларни тўлақонли ва етарлича тушунтириб беришга ҳаракат қилияпмиз. Фуқаролар учун яратилган бундай қулай шарт-шароитлар “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да ўзига хос дастуриламал бўлди деб ҳисоблайман. Бу эса соғлом турмуш тарзини янада кенгайтиради, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилайд.

Ашурали БОЙМУРОД
ёзиб олди.

Гўзалликка чулғанган маскан

Тоғ бағридаги оромгоҳга келишган бу ўқувчилар шу пайтга қадар баланд тоғларни фақат узоқдан томоша қилишган. Бу ҳақда катта ёшдаги одамлардан эшитишган. Телевизорда тоғлар табиати билан боғлиқ кўрсатувлар берилиб қолса борми, ҳар қандай зарур ишларини ташлаб, телеэкран қаршисида михланиб ўтиришган.



Бугун эса улар ростман тоғлар қаршисида. Ёнгиналаридаги баланд чўққилар сари интилишни, бирпасда улар бағрида бўлишни шунчалик исташидики, аммо ҳозирча бунинг имкони йўқлигини ҳис этишади. Сабаби, оромгоҳдан ўқувчиларнинг ўзларича узоққа кетишига йўл қўйилмайди. Қарашадик, булоқлар кўз очган, ариқлар тўлиб зилол сувлар оқмоқда. Ён-атрофга соя ташлаб турган баланд дарахтлар, сув бўйидаги мажнунтоллар, қияликда яшнаб турган арчалар янада эътибор тортарди. Ётоқхона, ошхона, ўйин павильонлари кўзга ташланади. Умуман, гўзал манзара. Худди мактабда ўқитувчилари айтганидай. Мактабда бу ўқувчиларнинг синф раҳбари Миронкул қишлоғидаги “Янги Ўзбекистон” оромгоҳини шундай тасвирлаган эди:

“Оромгоҳ” тоғлар билан ўрал-

ган. Бир тоғлар-ки, баланд чўққилардан иборат. Ҳатто, харсанг тошларда ҳам гулу гиёҳлар унади. Оромгоҳда бўлганимда, тошлар орасида тоғ лоласининг очилиб турганини кўрганман. Аммо болаларга оромгоҳ худудидан узоқлашишга рухсат берилмайди. Оромгоҳ маъмуриятининг тартиб-қоидаси бўйича фақат белгиланган пайтларда, ўқитувчи ёки тарбиячи етакчилигида экскурсия ташкил этилади. Бу тоғларда ҳар хил илон, чаён ва бошқа заҳарли судралиб юривчилар ҳам учрайди. Аммо улар инсонга озор етказмайди, ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмайди. Қадимий чинорлар, бошқа дарахтлар оромгоҳга кўрк бағишлайди. Арчазорларнинг гўзаллигидан ақл лол қолади. Лекин билимдон, тартибли, она Ватанга садоқатли болаларгина боради.

Самарқанддан унчалик узоқ бўлмаган оромгоҳ раҳбари Мавлон Фафоров шундай дейди:

— Қоратепа тизма тоғлари ён бағридаги бу оромгоҳ Паст Дарғом туманига қарашли. Туман ҳокими Шунқор Худойбердиев туман халқ таълими тизими ходимларига гамхўрлик сифатида оромгоҳнинг янги мавсумга шай этилишида бош-қош бўлди. Дам олишга келадиган болалар сарф-харажатининг 28 фоизини ота-оналар тўлайди. 25 фоиз харажат таълим ходимлари касабани уюшмалари туман бўлими зиммасида. 47 фоизи эса Ўзбекистон касабани уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши ҳисобидан қопланади. Ҳозир биринчи даврадаги дам олувчилар сони 292 нафар. Уларнинг барчаси паст дарғомлик халқ таълими ходимлари фарзандлари. Оромгоҳда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Қишлоқ оралаб, тоғ сари кўтарилиб бораркансиз, табиат ҳам ўзгара бошлайди. Дарахтлар, буталар куюқлашади. Ариқлар тагида энди қишлоқ куйисидигидек тошу қумлар кўринмайди, лиммо-лим оби-ҳаёт ўзанидан чиқиб кетгудек ҳолда пишқириб оқади.

— 2021 йилнинг ёз мавсуми давомида вилоятимизда 74 та шаҳардан ташқари ва кундузги оромгоҳлар фаолият юритади. Уларда 21 130 нафар бола соғломлаштирилади, — дейди Ўзбекистон касабани уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусайидов. — 18 та шаҳардан ташқари оромгоҳларда 9 630 нафар, 56 та кундузги оромгоҳда 11 500 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Мавсум оромгоҳларда 4 даврада ташкил этилади. Аини пайтда биринчи даврада шаҳардан ташқари оромгоҳларда 2247 нафар бола соғломлаштирилмоқда.

Мавсум давомида шаҳардан ташқари оромгоҳларда 332 нафар ишчи-ҳодимлар — тарбиячи, етакчи, тўғарақ раҳбари, спорт йўриқчилари, тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади. Таълим-тарбиявий ишларни кўнгилдагидек олиб бориш мақсадида мавжуд оромгоҳларда вилоят, туман (шаҳар) ахборот

ресурс марказлари томонидан кўчма кутубхоналар ташкил қилиниб, ҳар бир оромгоҳ 600-700 донагача бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган. Оромгоҳларда маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимлиги маданият бошқармаси томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Оромгоҳларда таниқли санъаткорлар, кўрик-танловлар голиблари, театр актёрлари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

Самарқанддаги болалар оромгоҳларида ёзги дам олиш мавсуми шундай ташкил этилган. Айниқса, шаҳардан ташқарида, асосан, тоғ бағрларидаги оромгоҳларда хордиқ чиқараётган болаларнинг ҳар куни завқли ўтмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2015 йилда Абдиқаримов Абдурасул Насриддин ўғли номига берилган В № 791473 (руйхат рақами 1760) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҚИСКА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!

Кластер усулида мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган 15 та кичик саноат зонаси ташкил қилинади.



"Қамол эт касбким олам уйидин..."

Ҳозирги замон жамиятида, хусусан, унинг моддий ва маънавий тараққиётида илм-фаннинг аҳамияти улкан экани ҳаммага аён — бир авлод вояга етиши учун кифоя бўлган давр ичида мисли кўрилмаган кашфийётлар инсоннинг турмуш тарзини ҳам, тафаккур ва дунёқарашини ҳам кескин ўзгартириб юбормоқда. Бундай шароитда фаннинг аҳамиятини англаш муҳим.

Шарқ Афлотуни, муаллими соний дея улуғланган мутафаккир Абу Нааср Форобий "Фозил одамлар шахри" ва бошқа асарларида меҳнат шўхрати, устоз-шоғирдлик анъанаси мавзуга алоҳида тўхталган. Форобий фикрича, ҳар бир мавжудот "ўзига хос бўлган мартаба - ...юксак камолотга эришиш ва ҳаётини илмга бахшида этиб, шоғирдлар эъзозиде бўлиш учун борлиққа келган". Инсон учун бундай камолот олий бахт-саодат ҳисобланади. Даставвал, инсон олий бахт-саодат нима эканини аниқ билиб олмоғи жоиз. Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам "Қадими халқлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон" каби асарларида меҳнат самараси ва илмга бахш этилган умр мавзусига алоҳида тўхталган. Айниқса, у ўқитувчи меҳнатига катта эътибор қаратиб, бундай меҳнат шоғирдлар онгига узлуқсиз таъсир кўрсатиш туфайлигина самара беришини, билим олиш эса мунтазам тақрорланувчи меҳнат орқалигина амалга ошишини қайд этган.

Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, бугун ҳам жамият олдида ўзига хос инсонийлик мартабасига, шоғирдлар камалига ҳамда камолотнинг олий бахт-саодатига эришаётган замондошларимиз талайгина. Инчунин, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов ҳам мана шундай инсонлар сирасига киради. Ҳар ишга чин дилдан киришадиган шижоати билан қизилган шижоати билан кезлари — 1975-1977 йилларда Тошкент Давлат Консерваторияси Ёшлар Кўмитасининг биринчи котиби лавозимиде ишлаётган пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Фаҳрий Ёрлиғи билан тақдирланди ва аспирантурага ўқишга юборилди. Мана, аспирантура тамомлаганига ҳам 50 йилдан ошди. Шу давр мобайнида жуда кўп муваффақиятлари қўлга киритди. Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида доцентликка тасдиқланди; 1982-1983 йилларда чет элик талабалар факультети декани лавозимиде фаолият кўрсатди; шундан сўнг етти йил мобайнида иқтисодиёт факультети декани муровини бўлди. 1991 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти негизда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ташкил этилгандан кейин 1991-1993 йилларда ўқув бўлими бошлиғи сифатида университетнинг ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшди. 42 ёшида эса профессор унвонига лойиқ кўрилди. Бу 1993 йил эди.

Меҳнат хусусида сўз юритар эканмиз, Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳар бир инсоннинг

қадр-қиммати ўз ишини қандай бажарётгани билан ўлланади. Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин", деган мулоҳазаларини айтиб ўтиш ўринли бўлар. Назар Ҳакимовнинг ҳам қадр-қиммати қилган меҳнатига яраша баланд бўлди. Устознинг шижоати ҳалиям ёш йигитларниқидек баланд. 2020 йилдан "Латтисе Ссиенсе Публикасион" (ЛСП) муҳандислик, технология, фан, менежмент, гуманитар соҳалардаги мақолаларни нашр этадиган Ҳиндистонда рўйхатдан ўтган нашриётнинг таҳрир буйича кенгаши аъзоси бўлди. 2021 йил Латвия Республикаси "Ламберт" академик нашрида "Мамлакат ривож стратегияси. Фуқаролик жамияти" номили ўқув қўлланма китобини чоп эттириб, кенг аудиторияли ўқувчиларга тақдим этди. Мазкур дарслик талабаларни "Мамлакат ривожланиши стратегияси. Фуқаролик жамияти" фани билан таништиради. Ушбу фаннинг вазифаларидан бири талаба ёшларда ахлоқий, маънавий ва сиёсий маданиятни шакллантиришдир. Бўлғуси бакалаврларни Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифалари ҳамда ривожланишининг янги босқичи шароитида уларнинг мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларга қай даражада дахлдорлиги билан ҳам таништиради.

"Тажриба ўтказиб, бу тажриба ва ҳаракатларда нарсанинг ҳақиқий моҳиятига қарама-қарши ҳолати ҳақида ўйлаб адашган одам баркамол эмас, балки бу ишда ким энг кўп тажрибага эришса, ўша энг мўтабар ва энг баркамол инсондир", дейди Форобий. Н.Ҳакимовнинг илм бобида қилаётган ишлари ва ўтказаетган тажрибалари, фан йўлидаги тинимсиз изланишлари ортидан ана шундай одамлар сафига кўшишимиз мумкин. 240 дан ошдиқ илмий, ўқув ва услубий ишлар муаллифи, жумладан, 5 та монография, 2 та дарслик, 15 та ўқув қўлланма, рисодалар, 200 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Олимнинг бир қатор илмий ишлари АҚШ, Япония, Россия Федерацияси, Туркия каби хорижий давлатларда чоп этилгандан сўнг халқро миқёсда ҳам танилди, эътироф этилди. Сўзининг тасдиғи сифатида профессор Назар Ҳакимовнинг Буюк Британиянинг Кембридж университети томонидан Дунёнинг Махшур олимлари рўйхатига киритилгани эслаш кифоя. Япониянинг Тохоко университети ҳузурдаги "Экология" муаммоларига бағишланган илмий ишлар чоп этиш

буйича халқро хайъат аъзолигига киритилгани фикримизни янада мустаҳкамлайди.

Ўқинда Чехия Республикасида чиқадиган, қатор Европа мамлакатлари тилида чоп этиладиган "Европа" номили журналда мактаб таълимининг жамиятдаги вазифалари, умумтаълим мактабларининг ёш авлодни тарбиялашдаги вазифалари ва мактаб таълимини модернизация қилиш жараёнида ўқитувчилар фаолиятининг аҳамияти очиб берилган мақоласи чоп этилди.

Унда Ўзбекистон шароитида мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг инновацион жиҳатларини ўрганиб чиқилган. Шунингдек, демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни ва хусусий мактабларнинг шаклланиши ҳамда айрим фанларни чуқур дастур асосида ўрганадиган ихтисослаштирилган мактаблар сонининг кўпайиши инновацион ёндашувнинг бир шаклига айланиши асослаб берилган. Маълумки, фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида юқори малакали педагог кадрлар ижтимоий сиёсат жараёнида муҳим вазифани бажаради. Бу эса ўз-ўзидан мактабларда ўқув жараёни сифатини яхшилаш, шу жумладан, халқро олимпиадаларда қатнашадиган ўқувчилар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар халқ таълими ислоҳотларида илгари сурилаётган гоиларга муштарақлиги билан ҳам аҳамиятли. Шунингдек, китобда Юртбошимизнинг 2020 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида турли ҳудудларда иш бошлаган Президент мактаблари фаолиятини кенгайтириш, яна 10 ҳудудда Президент мактаблари ташкил этиш, 197 махсуслаштирилган, химия, биология, математика ва информатсион технологияга асосланган мактабларнинг очирилиши ҳамда уларнинг истиқболи ҳақида ҳам маълумот берилган. Устоз билан юзма-юзма кўришганимда: "Ёш авлод тарбиясида бирор-бир касбнинг бошини туттиш, ҳунар эгаллаш муҳим аҳамиятга эга:

Қамол эт касбким олам уйидин,

Санга фарз ўлмағай гамнок чиқмоқ.

Ҳажондин нотамом ўтмак би-айни,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ", дея ҳазрат Навоийнинг мисраларини келтирди.

"Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, энгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша ютуқларга эришасан", дейди Маҳмуд Замахшарий. Н.Ҳакимов ҳам ўз меҳнатига яраша ютуқларга эришди. Бугун шоғирдлар камолини кўриб умргузаронлик қилмоқда.

Муроджон РАҲМАТОВ



Эзгуликка интилган устоз!

Дунёда шундай касб эгалари бўладики, уларни ҳаммиша биз эъзозлаймиз, яхши хотиралар ила ёдга оламиз. Энг улуг иморат бу мактаб дейдиган бўлсак, энг улуг, энг табаррук касб эгаси эса шубҳасиз муаллим, устоздир. Навоий бобомиз:

"Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила", дея устоз-муаллимларни бежизга улуғламаган. Чиндан ҳам, муаллимнинг эзгуликка йўғрилган сиймосини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Устоз ҳаммиша меҳр ва садоқатни, яхшилик ва олийжаноблик фазилатларини, одамийлик, инсонийлик сабоқларини ўз шоғирдларига сингдириб яшадан катта бир бахтиёрликни ҳис этади. Шодмон ака Нуралиев (охиратлари обод бўлсин) ана шундай улкан қалб соҳибларидан бири эди.

Бундан салкам ярим аср муқаддам педагогика олийгоҳини муваффақиятли тамомлаб қадрдон қишлоғига қайтган Шодмон ака Бекобод туманидаги 35 умумтаълим мактабига келиб ишлашни ихтиёр этди. Шу мактабда қариб ярим асрга яқин фидокорона меҳнат қилди, устозлар ва шоғирдларнинг меҳру муҳаббатини қозонди. Бу ҳақда унинг тўнғич фарзанди, тиббиёт ҳамшираси Насиба Нуралиева шундай дейди: — Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, буларнинг барчаси дадажоним туфайлидир. Падари бузрукворимнинг оқ кўнгли ва меҳрибонлиги, ҳамкасблари ва дўстларига садоқати, айниқса, биз, фарзандларига кўрсатган ғамхўрлиги, оталарча меҳрибонлиги ўта беқиёс эдилар. Отамдаги одамхунлиқни, ҳалоллик ва ростгўйликни, барчага бирдек меҳрибон инсон эканлигини сўз билан таърифлаш қийин.

Дарҳақиқат, Шодмон ака ўзининг қадрдон мактабига муаллим, устоз бўлиш шарафли ишни сиздирилган бажарди. Тажрибали устоз сўнги дама мазкур мактабга кўп йиллар раҳбарлик қилди. Ўқув даргоҳининг ҳар тарафлама ривожланишига, ўқув-тарбиявий ишларнинг тубдан яхшиланишига ўзларининг муносиб улушини қўшдилар. У кишида шундай бир фазилат бор эдики, каттаи, кичикми, ким бўлишдан қатъий назар ҳеч кимдан ёрдамни аямас, қўлидан келгунча инсонларга қўмак беришга ошиқар эди. Аммо у киши ноҳақликни, адолатсизликни жуда ёмон кўрарди. Ҳамиша ҳамкасбларга ҳам, шоғирдларига ҳам ўзидаги яхши фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилиб яшарди.

— Устозимнинг камтар бўл, кўп китоб ўқи, оз сўзлаб, кўпроқ тингла, деган пурмаъно ҳикматларини ҳамон ёдимда сақлайман, — дейди таниқли журналист, Бахтиёр Абдусатторов. — Кейин билсам, устоз ҳаммиша бизга қуюнчақлик билан ёндашиб бор меҳрини бахшида этган экан.



Бундай инсонлар ҳаётда жуда кам бўлади. Охиратлари обод бўлсин.

Устоз билан кўп йиллар биргаликда меҳнат қилган ҳамкасби Муродилла Раҳматов шундай дейди:

— Шодмон ака ўз касбига меҳр қўйган фидойи инсон эди. Ўзига ҳам, жамоасига ҳам ўта талабчанлик билан ёндашар, зарур ҳолларда қўлидан келгунча одамларга яхшилик қилишни қанда қилмасди. Мактабни, билим даргоҳини ҳаммиша қадрлаб яшарди, бор ҳаётини, бутун тажрибасини таълим-тарбияга бахшида этди.

Дарвоқе, Шодмон ака нафақага чиққанларидан кейин ҳам бир жойда қўл қовуштириб ўтирмади. Жамоатчиликнинг таклифи, ёру биродарларининг илтимоси билан маҳалла раислигида ҳам фаолият кўрсатди. Кўп йиллик педагогик тажрибаси бу соҳада ҳам қўл келди. Маҳаллани ободонлаштиришга, хайрли, эзгу амалларни рўёбга чиқаришга бош-қош бўлди. Бу инсон эл-юрт учун хизмат қилишни ҳаммиша саовли юмуш деб билди. Каерда ишламасин, унинг ягона таоминли адолат ила иш юритиш бўлди.

Ҳаётининг сўнги йилларида 56-умумтаълим мактабига раҳбарлик қилиб келаётган Шодмон Нуралиев яна ўзининг кўп йиллик тажрибасини, билим ва маҳоратини мактаб ишига бағишларди. Чунки бу инсон ҳаётини, тақдирини мактабдан айро туготмас эди. Айниқса, ҳозирги шароитда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мактаб таълимига катта бир ғамхўрлик қилинаётган пайта, "Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади" деган улуг шior билан яшаётган бир пайтимизда Шодмон акага ўхшаш фидойи устозлар ишлаб чарчамас эди. Минг афсуски, ана шундай ажойиб инсонни, мактаб таълимининг гуллаб яшнашига катта ҳисса қўшиб келаётган устоз-мураббийни бешафқат ўлим орамиздан олиб кетди. Шодмон акадан суоқли шоғирдларига, фарзанду набираларига мерос сифатида солиҳ амаллар, бетакрор ўғит-насихатлар, саовли ишлари қолди. Бундай хайрли амалларни унинг шоғирдлари, меҳрибон издошлари давом эттиришига шак-шубҳа йўқ.

Ашурли БОЙМУРОД

Таълим тизими мамлакатнинг пойдор ва устувор ғоясидир. Унга эътибор давлат истиқболи, халқ иқболи билан боғлиқ бўлибгина қолмай, тараққиётнинг муҳим омили ҳамдир.

Президентимизнинг олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган куни кеча ўтказилган видеоселектори ҳам худди шу долзарб мавзуга қаратилгани билан характерланади. Демак, бу борадаги барча куч ва ресурслар эътироф этилганидек, тўртта устувор вазифага қаратилгани билан аҳамиятли.



Таълим — мамлакат тақдири

Қотиб қолган турли қоида ва қолиплар билан иш тутмасдан, масалага креатив ёндашув, таълим беришда янги усул ва методлар учун эркинлик яратиш, тажрибали педагогларнинг услубларини омалаштириш ва улардан унумли, ўринли фойдаланиш давр тақозосидир. Бу эса янгича замонавий бошқарув технологияларни истифода этиш заруратини келтириб чиқаради. Демак, олий таълим муассасалари бошқарув кенгашлари ролини ошириш ва кафедралар ваколатини кенгайтириш, бозор иқтисодини эътиборга олган ҳолда, фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, муҳими талабаларнинг ўз устида ишлаши учун шароит яратиш масаласининг асосий вазифалардан бири сифатида қўйилиши айтиш мумкин. Режасиз иш - қолипсиз иш. Халқимизнинг ушбу мақоли бежиз эмас. Ҳар бир ҳаракат мақсад манзили билан. Немис мутафаккири Гёте таъбири билан айтганда, “Қаёққа бораётганингни билмасанг, узоққа бора олмайсан”. Демак, ҳаракатнинг самараси сифат ва натижа билан боғлиқ. Президентимизнинг олий таълим муассасалари ўқишга қабул қилишдан олдин уларни қаерга юборишни билиши, иш берувчилар билан 10 йиллик шартномага эга бўлишлари ҳақидаги кўрсатмалари бағоят ибратлидир. Тан олиш керакки, айрим мутахассисликларни битказган талабалар ўз соҳаси бўйича ишламайди, ёхуд иш йўқ. Режасиз иш натижа бермаслиги аниқ.

Бир-бири билан ўзаро боғланиб кетадиган ушбу вазифаларни оғишмасдан амалга ошириш бевоқифли ва илмий салоҳият, илм-фан ва инновацион фаолият билан

чамбарчас боғлиқ. Илмий салоҳият билимини ўзлаштиришигина эмас, балки муайян фан юзасидан маълумотларни, мавзунини талаба онгига сингдириш механизмининг - педагогик маҳоратнинг узвий қисми бўлган коммуникатив компетентликни ҳам тақозо этади. Юқори билим ва тажриба бўлса-ю, педагогикнинг коммуникатив компетентлиги, яъни нотиклик кўникмаси ҳамда малакаси етарлича, айтарлича бўлмаса, масала очик қолади, ҳаракат бе-самар бўлади. Таълимнинг сифати ва самараси ўқитувчининг етуқ билимга эга бўлиши, бир нечта хорижий тилларни билиши ҳамда ахборот компьютер технологияларини чуқур ўзлаштиргани билангина эмас, балки орттирган билим, ўзлаштирилган кўникма, ҳосил қилинган малакани талабанинг онг-шуурига сингдири олиш иқтидориди, коммуникатив компетентлик даражаси, психоллингвистик лаёқати, нотиклик маҳоратига боғлиқ. Тасаввур қилинг, ошпазга асл деҳқон етиштирган маҳсулотни, ош масаллиқини бозордан сотиб олиб келтирсак-у дамланган ош маза-матрасиз бўлса, ким, ё нима сабабчи бўлиши мумкин? Деҳқонми, олиб келтирганми ёки масаллиқми, ё қозонми? Албатта, ошпаз. Шундай экан, яратилган шароит ва имкониятдан унумли фойдалана олиш педагогнинг масъулияти ва ўз устида ишлаши билан бевоқифли боғлиқ. Асл ва тоза масаллиқни дарслик ва ўқув қўлланмаларига қиёс қилиш мумкин. Демак, дарслик ва ўқув қўлланмалари илмий - назарий жиҳатдан пухта бўлса, унинг таълим тизимидаги роли ҳам бўлақча бўлиши табиий. Дарсликларнинг айримлари эски ҳолда

экани, Олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланмагани, ўқув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва йўналишлар асосида тузилганини давлатимиз раҳбари алоҳида эътироф этишлари бежиз эмас. Дарслик ва ўқув қўлланманинг юқори савияда бўлиши педагог ва талабаларнинг билим даражасини белгилайди. Бу эса профессор-ўқитувчи ва талабалар учун кенг шароит яратиш тақозо қилади. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, уларнинг ўз устида беъмалол ишлашлари учун қозғозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш зарур. Бундай чиркин иллатларни тушовлаш илм-фан тараққиётига йўл очади. Ана шундагина олий таълим соҳасини тўла ислоҳ қилишга имкон туғилади.

Халқнинг бахт-саодати белгиси сифатида ректорларнинг билимли, ватанпарвар бўлишини видеоселекторда алоҳида уқтирилиши бежиз эмас. Америкалик руҳиятшунос Дейл Карнеги “Бизнинг фолжамиз саводсизлигимизда эмас, балки фаолиятсизлигимизда” - деб ёзганига ҳам бир аср бўлди, ҳисоби. Фаолиятнинг икки қаноти бор, бунинг бири ташаббускорлик бўлса, иккинчиси ташкилотчиликдир. Демак ректорларнинг фаолиятида ана шу икки жиҳатнинг уйғун бўлиши талаб этади. Демак, юқоридан буйруқ кутмасдан иш тутишга, соҳаси, йўналиши юзасидан инновацион ва инвестицион фаолиятни амалга оширишда етакчи, лидер бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада ибратли ишлар ҳам амалга оширилатганидан кўз юмиб бўл-

майди, албатта.

Ушбу жараёнларни ва талабаларни ҳал этишда тузилганига ҳали кўп бўлмаган Республика Олий таълим Кенгашининг фаолияти эътиборга молик. Айнан таълим тизимидаги муаммолар ва уларнинг ечимини борасидаги саъий ҳаракат ва изланишлари самарали бўлмоқда. Олий таълим тизимини дунё стандартларига мослаштириш, Халқаро рейтингларга киритиш, ўқув юртларига қабул қилишда адолатли тизимни ўрнатиш, мамлакатимизда нуфузли чет эл университетларининг филиалларини очиб юзасидан билдирилаётган ўткир тақлиф ва ўқтам мулоҳазалар билан чиқишда Кенгаши ҳайъати раиси ва аъзоларининг хизматлари катта.

Бугунги кунда мамлакатнинг тақдирига дахлдор бўлган таълим масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бунга оддий ўқитувчидан тортиб ректор, ҳатто вазирларгача бўлган тизим масъул эканлигини асло унутмаслик керак.

Жаҳон таълим тизими стандартлари ўз ижтимоий, иқтисодий ва маданий хусусиятларига эга бўлган алоҳида олинган айрим давлатлари таълим тизими эмас, балки Халқаро таълим классификацияси стандартига (ISCED-2011) асосланиши мақсадга мувофиқдир. Шундангина жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш имконияти юзага келади.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси аъзоси

ЖАМИЯТ



Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ
Тахрир ҳайъати: Адҳам Бекмуродов Акмак Саидов Нуриддин Убайдуллаев (Бош муҳаррир ўринбосари) Актам Ҳайитов Нарзулло Обломуродов Адҳам Икромов
Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-508 Адади: 2016. Пайшанба куни чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табак. Баҳоси келишилган нарҳда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55 Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz Газета индекси — 131 “ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. ЎЗА Якуни: Топширилган вақти: 17:05 1 2 3 4 5 6

Эълон

“TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖ 2021 йил 27 июль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказди!

тоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голиби савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши ҳамда тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузилганга қадар закат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар Кенгашининг автотранспорт воситаси бўйича савдо голибига савдо ташкилотчиси учун объект сотилиш нарҳидан тўланган 5 (беш) фоиз миқдоридаги комиссия тўловни алоҳида қўлаб бериш мажбуриятлари юқлатилади.
Мазкур объектлар юқорида бел-

гиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар сешанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси 14-уй 8-хона.
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.
Шунингдек, “TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖ томонидан 2021 йил 25 май куни ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига

кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши балансидаги д/р 01/346НАА бўлган “NEXIA” — 28 100 000 сўмга; “LOYIHALAR BOSHQARUVI MARKAZI” ННТ балансидаги д/р 01/606МВА бўлган “НЕКСИЯ” — 21 750 000 сўмга; Марказий авария-диспетчерлиги хизмати қорхонаси балансидаги д/р 01/667PGA бўлган “GAZ-3102” — 7 000 000 сўмга; д/р 01/252ТВА бўлган “GAZ-3102” — 9 300 000 сўмга; д/р 01/941VFA бўлган “GAZ-3110” — 8 600 000 сўмга; д/р 01/632PGA бўлган “NEXIA” — 7 000 000 сўмга; д/р 01/614BCA бўлган “ДАМАС” — 7 000 000 сўмга; д/р 01/365BCA бўлган “CAZ-3507” — 9 100 000 сўмга; д/р 01/325BCA бўлган “GAZCAZ-3507” — 9 100 000 сўмга; д/р 01/322BCA бўлган “ДЭУКС-1256М” русумли автокран — 76 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.
Гувоҳнома № 005357

ҚИСКА САТРАРДА ЎҚИҢ!

2022 йил 1 июлгача республикадаги 6 085 та кўп квартиралли уй-жойлар мукамал таъмирланади.

“27 ИЮНЬ

– МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ”,

яъни касб байрами муносабати билан юртимизда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини чин қалбдан муборакбод этаман.

Давлатимиз раҳбари бошлаб берган мамлакатимиздаги очиқлик ва ошкоралик, шаффофлик, давлат ташкилотларининг халқ манфаатлари учун хизмат қилишида оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати беқиёс.



Бу борада уларнинг холис ва ҳаққоний хизматларини барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Кейинги ишларида ҳам ғайрату шижоат тарк этмасин!

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!



Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

